

## ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Гулноза Райимджанова  
Фаргона давлат университети  
таянч докторанти

**Аннотация:** Кластерлар ролини кучайтириш, кооперациянинг янги механизмларини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларни кенг миқёсда молиялаштириш ва қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатилишини кенгайтириш тизимнинг асосини ташкил этиш тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** кластерлар, мева-сабзавотчилик кластери, кооперация, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, корхоналарни молиялаштириш.

XXI асрда Ўзбекистонда минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда саноат ҳамкорлигини ташкил этишнинг Кластер тамойиллари қўлланила бошланди.

Кластерлар ролини кучайтириш, кооперациянинг янги механизмларини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларни кенг миқёсда молиялаштириш ва қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатилишини кенгайтириш тизимнинг асосини ташкил этади.

Янги тизим шартларининг бир қисми, яъни, экин майдонларини кўпайтириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларга ер ажратиш тартиби; интенсив боғлар, узумзорлар барпо этиш, шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва дуккакли экинлар етиштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, ҳажми ва механизми; йиғим-теримдан кейинги хизматлар кўрсатиладиган корхоналарнинг молиялаштирилиши – буларнинг бари Президентнинг 2021 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган.

Кейинчалик бу йўналишда қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича бошланган жараённинг давомидир. Хусусан, 2021 йилнинг 15 декабрь санасидаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорда ноябрь ойи охирида асосий параметрлар билан бирга тезис шаклида белгиланган механизмлар тасдиқланди. Бу мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар, қайта ишловчилар, сақловчилар ва экспортёрларни имтиёзли шартларда айланма маблағлар билан таъминлаш, ҳосилнинг нобуд бўлиши хавфини суғурталашда тўлов тартиби ва субсидиялар миқдорига тааллуқлидир. Қолаверса, мазкур ҳужжатда малакали хорижлик мутахассисларни жалб этиш ва Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан кичик агрологистик марказлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.



Шундай қилиб, мамлакат мева-сабзавотчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги ҳужжатга кўра:

2022 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қуйидагиларга:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга – мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга – етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз ставкада 12 ойлик “револьвер” кредит ажратилиши белгиланган.

Ушбу тадбирларни молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига республика бюджетидан 2 триллион сўм миқдоридан бюджет ссудаси ажратилади.

2022 йилнинг 1 мартдан бошлаб:

-мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига – экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг 70 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

Бундан ташқари, 2021 йилнинг 16 декабрь санасидаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга мувофиқ:

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали:

а) томорқалар эгаларига қуйидаги мақсадларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида белгиланган шартларда имтиёзли кредитлар ажратилади:

- ихчам иссиқхоналар қуриш ва “дала-дўкон”лар фаолиятини ташкил этиш;
- кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;
- полиз маҳсулотлари, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа турдаги сабзавотлар етиштириш;





– артезиан қудуқларини бурғулаш.

б) кооперация ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш асосида аҳолининг томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун айланма маблағларни тўлдиришда етакчи тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилади.

Ушбу мақсадлар учун миллий валютадаги 100 миллион доллар эквиваленти миқдоридаги қарз маблағлари Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2026 йилнинг 1 январигача қадар томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуришиш, саралаш ва қадоклаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик кластерларининг ривожланишига мамлакатимиз аграр тармоғида илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш учун ишлаб чиқаришнинг янги усул – кластер тизими жадаллик билан жорий этилмоқда. Ўтган қисқа даврда ушбу тизим ўзини ҳар томонлама оқлаганлигини эришилаётган натижаларда кўришимиз мумкин. Кластер тизими фермерларнинг манфаатдорлигини ошириш аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

### Адабиётлар рўйхати.

1. Халматжанова, Г. Д., & Райимджанова, Г. Х. (2020). Кластерный механизм-способ модернизации текстильной отрасли Узбекистана. Межвузовский научный конгресс: "Высшая школа: научные исследования". *НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ*, 28.
2. Khalmatjanova, G. D. (2020). Mechanisms of formation of agricultural clusters in the economy of Uzbekistan. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 847-852.
3. Халматжанова, Г. Д. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ И ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО КЛАСТЕРА В УЗБЕКИСТАНЕ. *Scientific progress*, 2(3), 179-186.
4. Халматжанова, Г. (2020). КЛАСТЕРЫ-ФАКТОР, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЙ РАЗВИТИЕ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. *Редакционная коллегия: ПМ Першукевич, академик РАН*, 319.